

الحكم تقود إلى السعادة

الجزء العاشر

«Хикматлар – саодатга етаклар»

Ўнинчи китоб

Тузувчи ва таржимон:
Анвар Аҳмад

Тошкент:
2016 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ТАҚДИМ

Ўзининг илохий ҳикмати ила инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа маҳлукотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни ваҳий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикли Расулимиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададича салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз ҳузуридан рух пуллаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа маҳлукотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсулни эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналик», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайх Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қиласи: «Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқирлиқдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг кўплари ҳикматга қуидаги таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-холатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи кўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

«Батахқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким қуфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ғаний ва мақтовор Зотдир» (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Қуръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг хузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласиган, сизларни покладиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўzlари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайхи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Фаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиласидаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хulosасини тақдим қиласи.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хulosаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр баҳш эта оловчи китоблар ичida энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зоро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хulosаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқишиш бошқа халқларга қараганда анча юқори

даражада турди. Ушбу ҳақиқатни яхши англаған устоз Анвар Ахмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни түплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, www.arabic.uz сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишилардан илҳомланган муҳтарам таржимонимиз интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Кўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиши учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аrimайдиган энг вафодор дўстдир, сұхбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-куватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга махсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи ҳалқ оғзаки ижодига айланиб ултургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуидаги интернет сахифаларидан олинганини айтади:

- 1) نَفْسِكَ
- 2) كَلَامُ مِنَ الْقَلْبِ
- 3) حَدِّ الْحِكْمَةِ
- 4) بَسْطَانُ الْحِكْمَاءِ
- 5) ثَقَافَةُ حَوْلِ الْعَالَمِ
- 6) الْمُوسَوْعَةُ بِوَكِ
- 7) ثَقَافَةُ وِعْلُومٍ
- 8) حِكْمَةُ الْيَوْمِ
- 9) عَجَائِبُ وَغَرَائِبُ حَوْلِ الْعَالَمِ
- 10) أَقْوَالُ أَعْجَبَتِي
- 11) كَنْوَزُ مِنَ الْحِكْمَةِ

- (12) ذكر الله
(13) عذب الكلام
(14) عالم الثقافة والمعرفة

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчида таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хуроса шаклида таржима қиласидиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида хусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мухтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оиласвий баҳт-саодат, сўнмас гайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «Ҳикматлар – саодатга етаклар» الحكم - تقويد إلى السعادة китобининг кейинги кисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юкорироқ савияда тақдим этиб боришлирида Ўзи мададкор бўлсин.



2001. Шаддод ибн Абс розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай дедилар:

«Ким саййидул истиғфорни – «Аллоҳумма, анта Роббий, лаа илааха илла анта, холақтаний ва ана ъабдук, ва ана ъалаа ъаҳдиқа ва ваъдиқа мастатоъту, аъуузу бика мин шарри мaa сонаъту, абуу'у лака биниъматика ъалайя, ва абуу'у бизамбий, фағфирий, файннахуу лаа йағфириз зунууба илла анта»ни кечки пайт айтиб, тонг отгунича вафот этса, жаннатга киради. Ким тонгда айтиб, шу куни вафот этса ҳам жаннатга киради».

(Маъноси: «Аллоҳим, Сен Роббимсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Мени Сен яратдинг, мен Сенинг бандангман. Сенга берган ваъдамда ва Сенга берган аҳдимда қодир бўлганимча турибман. Қилган ишларимнинг ёмонлигидан Ўзингдан паноҳ тилайман. Менга ато қилган незматларингга иқрорман, гуноҳларимга ҳам иқрорман. Менинг мағфират қил, зоро, Сендан бошқаси гуноҳларни кечира олмайди»).

И мом Бухорий ривояти.



2002. Фарзандларингизни ҳурмат килинг, уларнинг сирларини яширинг, уни оила даврасида гапириб, фош қилманг. Уларнинг сирлари ҳам омонат, ўзингизнинг сирларингиздан кам жойи йўқ.



2003. Ҳаётдаги бор мақсадинг Аллоҳнинг розилиги бўлса нақадар гўзал!
 Юрагинг Аллоҳ ишқида урса, тилинг Аллоҳ зикрида турса, нақадар гўзал!
 Ҳар бир амалим холис Аллоҳ учун деб, ниятингни янгилааб турсанг
 нақадар гўзал!
 «Субҳаналлоҳ, валхамдулиллаҳ, ва лаа илааҳа اillalلoh, walлюҳу اکbar!
 Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата اilllaah!»



2004. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Қиёмат қунида бандаларнинг энг афзали ҳамд айтувчилардир»,
дедилар.

Хурсандчиликда ҳам, қайғуда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!
Аллоҳга кўп-кўп, покиза ва муборак ҳамдлар бўлсин!
Бизга неъмат қилиб берган нарсалари учун Аллоҳга ҳамд бўлсин!
Юракларимизнинг уриши қадар Аллоҳга ҳамд бўлсин!



2005. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:
«Тўшагингга ётганингда «Оятул Курси»ни ўқи, шунда Аллоҳдан бир муҳофаза қилувчи келиб, тонг отгунича сен билан бирга бўлади, шайтон ҳам яқинлаша олмайди».

Имом Бухорий ривояти.



2006. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким эрталаб ёки кечқурун юз марта «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳ» (Аллоҳни Ўзининг ҳамди ила поклаб ёд этаман) деса, қиёмат қуни ҳеч ким ундан афзал бўлмайди. Фақат ана шу киши айтганидек ёки ундан кўпроқ айтсагина афзал бўлиши мумкин».

И мом Муслим ривояти.



2007. Аллоҳим, бизга солиҳ фарзандлар насиб қил!



2008. Агар одамларнинг энг кучлиси бўлишни хоҳласанг, Аллоҳга таваккул қил. Агар одамларнинг энг хурматлиси бўлишни хоҳласанг, Аллоҳга тақво қил!



2009. Муаммонинг хulosаси ушбу қисқа жумлада ўз ифодасини топган: «Биз маданиятнинг пўстлоғини кийиб олганмиз, руҳиятимиз эса жоҳилдир».



2010. «Аллоҳ ҳеч кимни унутмайди». Мана шу жумла ҳаётни янада гўзал қиласиди!



2011. Абу Довуднинг ривоятларида «Субханаллоҳил ъазийм ва биҳамдих», деб келган.

Абдуллоҳ ибн Ҳубайб розияллоҳу анху айтади: «Ёмғир ёғаётган қоронғи кечада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиб берсинлар деб, у зотни ахтариб, кўчага чиқдик. У зотни топдик. Шунда «Айт», дедилар. Мен ҳеч нарса дея олмай қолдим. Сўнгра яна «Айт», дедилар. Мен яна ҳеч нарса дея олмадим. Сўнгра яна «Айт», деган эдилар, «Нимани айтаман, ё Расулаллоҳ?» дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қул ҳуваллоҳу аҳад», «Қул аъузу бироббили фалақ», «Қул аъузу бироббин-наас» сураларини кечки пайт ва эрталаб уч мартадан айтсанг, сен учун ҳар нарсага кифоя қиласи», дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Насаийлар ривояти.



2012. Кичик ўлим бўлмиш уйқудан хузурланиш учун хонани совитиб, диванни тартибга келтирамиз. Аммо катта ўлимдан хузурланиш учун қабрларимизни тоат-ибодат билан совитиб, амалларимизни тартибга келтирдики?



2013. Умр бир лаҳзадир, уни тоатда ўтказгин.

«Уларни тўплайдиган Кунда худди куннинг бир соатидагина тургандек бир-бирлари билан танишурлар» (*Юнус сураси, 45-оят*).



2014. Ақл ошқозонга ўхшайди. Мақсад ютиш эмас, ҳазм қилишдир.



2015. Муоз ибн Жабал айтади:

«Жаннатийлар фақат бир нарсага – Аллоҳ субҳонаху ва таолони зикр қилмай ўтказган фурсатларига ачинадилар».



2016. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам тонг отганда «Аллоҳумма, бика асбаҳнаа, ва бика амсойнаа, ва бика наҳйаа, ва бика намуут, ва илайкандушуур» (Аллоҳум, Сен билан тонг оттирдик, Сен билан кунни кеч қилдик. Ўзинг ила тириламиз, Ўзинг ила ўламиз. Тўпланиш ҳам Сенгадир), дер эдилар.

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можсалар ривояти.

من وسائل تحبيب الطفل بالصيام في رمضان



علي الطنطاوي

وكان من عادة أهل الشام أنهم يعلمون الصغار الصيام الذي يسمونه "درجات العذنة" يصوم الطفل من الفجر إلى الظهر، ومن الظهر إلى العصر، ومن العصر إلى أن يفطر مع الكبار عند الغروب ..
ويعدون له في أول يوم يصومه كاملاً "سفرة إفطارية" وهي مائدة خاصة بالطفل الصائم، فيها أطباق صغار، فيها من كل ما لذ وطاب من الطعام والشراب ومن أصناف الحلوي وأنواع الفاكهة الموجودة...
ويتصدرها الطفل يحفّ به الأهل ويمدحونه ويثنون عليه، ويعلمونه كيف يحمد الله، ويشرحون له عظيم الأجر عند الله، حتى يسمعوا مدح الإفطار .. وكانت هذه المائدة من أشد الوسائل أثراً في تحبيب الصيام إلى الطفل.

من كتاب (الذكريات) الجزء الثالث

2017. Рамазон ойида ёш болаларни рўза тутишга қизиктириш:

«Илгари Шом ахли ёш болаларга рўза тутиши ўргатиб، уни «миноранинг зинаси» деб аташарди. Демак, ёш бола аввал бомдоддан пешингача рўза тутади. Сўнг пешиндан асргача рўза тутади. Кейин асрдан то қуёш ботиб, катталар билан бирга оғиз очгунича рўза тутади. Биринчи рўза тутган куни бола учун маҳсус дастурхон ёзилади. Бу дастурхон «ифторлик дастурхони» деб номланади. Дастурхонга турли хил таомлар, шарбатлар ва ҳар хил ширинликлар, ўша пайтда пишган мева-чевалар кўйилади. Ҳамма боланинг атрофига тўпланиб، уни мактаб, олқишлияди. Сўнг унга қандай қилиб Аллоҳга ҳамд айтишини ўргатиб، Аллоҳнинг ҳузурида қандай ажрлар борлигини тушунтиришади. Ифтор бўлганини билдирувчи замбарак отилгунича шундай қилишади. Бундай байрам дастурхони ёш болаларни рўзага қизиктиришнинг муҳим воситаларидан биридир».

Али Тантавий.



د أحمد عيسى المعصراوي

من يشعرُ بالإكتئاب والقرآن موجود، كمنْ
يشعُرُ بالعطشِ والماء موجود ..

2018. Чанқасанг, сув бор бўлганидек, ғамга ботган бўлсанг, Куръон бор.



2019. Ёруғлик овоздан олдин етиб келади. Бу илмий фактдир. Табассум ҳам сўздан олдин етиб келади.



2020. Саҳардаги убудият (Аллоҳга бандалик қилиш) истиғфордир. Шундай экан, тонг саҳарда истиғфорни кўпайтиринглар. Аллоҳ таоло солих бандаларини шундай васф қилган: «Ва сахарларда истиғфор айтар эдилар» (Зарият сураси, 18-оят).




2021. Кеч кирганда у зот алайхиссалом «Аллоҳумма, бика амсойнаа, ва бика нахъяа ва бика намуут. Ва илайкан-нушуур» (Аллоҳум, Сен ила кунни кеч қылдик. Сен ила тириламиз, Сен ила вафот этамиз. Ва қайтиши Ўзинггадир), дер эдилар.

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можсалар ривояти.




2022. Ёлғиз қолганда гуноҳ қилиш бузилишнинг асл сабабларидандир. Ёлғиз қолганда тоат-ибодат қилиш эса саботнинг асл сабабларидандир.



2023. Муваффакиятсизлик «Бу ёқда йўл йўқ», деб ёзиб қўйилган лавҳачадир. Лекин баъзилар уни «Йўл йўқ» деб ўкиб олади.



2024. Шундай инсонлар борки, улар билан ўтирсанг, «Қанийди соат миллари тўхтаб қолса», дейсан.



2025. Кутубхоналар хам стол, стул, каравот, ошхона каби зарурий нарсага айланса, «Маданий халқ бўлибмиз» деб бемалол айтсак бўлади.



2026. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарда бўлсалар, эрта тонгда:
«Саммаъа Саамиъун биҳамдиллаах, ва ҳусни балааихи ъалайнаа. Роббанаа, сооҳибнаа ва афзил ъалайнаа ъааизан биллааҳи минан наар» (Эшиитгувчи Зот Аллоҳга ҳамд айтганимизни ва бизга чиройли синовлар берганини эшииттирди. Роббимиз, бизни дўст айла. (Ўзингнинг исминг бўлмиш) Аллоҳ ила дўзахдан паноҳ тилашини биз учун энг афзал амал қил) дер эдилар.

И мом Муслим ривояти.



2027. Биз бу дунёда худди имтиҳонда ўтиргандекмиз. Ҳар лаҳзада имтиҳон варақаси йиғиштириб олиниши, Аллоҳ сен учун ажратган вақт тугаши мумкин. Шундай экан, ўз имтиҳон варақангга диққат қил, бировларнинг варақасига кўз ташлашни бас қил!




2028. Оналар бу дунёнинг жаннатидир. Уларнинг розилиги эса у дунёнинг жаннатидир.

**يَنْبُغِي لِلْمُرِيدِ أَنْ لَا يَأْكُلَ إِلَّا عَنْ فَاقَةٍ،
وَلَا يَنْامَ إِلَّا عَنْ غُلَبَةٍ، وَلَا يَتَكَلَّمَ إِلَّا فِي
حَاجَةٍ، وَلَا يُخَالِطَ أَحَدًا مِنَ الْخَلْقِ إِلَّا إِنْ
كَانَتْ لَهُ فِي مُخَالَطَتِهِ فَائِدَةٌ، وَمَنْ أَكَثَرَ
الْأَكْلَ قَسَّ أَقْلَبُهُ، وَتَفَلَّتْ جَوَارِحُهُ عَنِ
الْعِيَادَةِ، وَكَثْرَةُ الْأَكْلِ تَدْعُوا إِلَى كَثْرَةِ النَّوْمِ
وَالْكَلَامِ، وَالْمُرِيدُ إِذَا كُثِرَ نَوْمُهُ وَكَلَامُهُ
صَارَتْ إِرَادَتُهُ صُورَةً لَا حَقِيقَةَ لَهَا، وَفِي
الْحَدِيثِ: "مَا مَلَأَ أَبْنَى آدَمَ وَعَاءً شَرَّاً مِنْ
بَطْنِهِ، حَسْبُ أَبْنَ آدَمَ لَقِيمَاتٌ يُقْمَنُ صُلْبَهُ
إِنْ كَانَ لَا مَحَالَةٌ فَتَلَّتْ لِطَعَامِهِ وَتَلَّتْ
لِشَرَابِهِ وَتَلَّتْ لِنَفْسِهِ"**

2029. Ҳақиқий мурид оч қолганидагина овқат ейиши, уйкуси ғолиб бўлғандагина ухлаши, эҳтиёж бўлсагина гапириши, бирор фойда бўлсагина одамларга аралashiши керак. Ким кўп еса, қалби қотиб, бағритош бўлади ва ибодат қилиш баданига оғир келиб қолади. Кўп еган одам серуйқу, сергап бўлиб қолади. Мурид серуйқу, сергап бўлиб колса, унинг иродаси ҳақиқий эмас, юзаки бўлиб қолади.

Ҳадисда шундай дейилган: «Одам боласига қаддини тутадиган даражада таом кифоядир. Агар бунинг иложи бўлмаса, қориннинг учдан бири овқат, учдан бири ичимлик, учдан бири эса нафас учун бўлсин».



2030. Қалбинг солиҳ бўлса, ақлинг гўзал, фикринг тўғри, сўзинг ширинг бўлади.



2031. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят килинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кеч кирганда шундай дер эдилар: «Амсайнаа ва амсал мулку лиллаах, валҳамду лиллаах, лаа илааха иллаллоҳу вахдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд, ва хува ъалаа кулли шай`ин қодийр. Робби, ас`алука хойро маа фий ҳаазихил лайлати ва хойро маа баъдаҳаа, ва аъуузу бика мин шарри маа фий ҳаазихил лайлати ва шарри маа баъдаҳа. Робби, аъуузу бика минал касали вал ҳароми ва суу`ул кибар. Аъуузу бика мин ъазаабин фин наари ва ъазаабин фил қобр».

Тонг отганда эса: «Асбаҳнаа ва асбаҳал мулку лиллаах» деб, қолганини юқоридагидек давом эттирадилар.

(Биз ҳам, бутун мулк ҳам Аллоҳники бўлган ҳолда кеч кирди. Аллоҳга ҳамд бўйсин. Аллоҳдан боишқа илоҳ үйқ. Унинг шериги ҳам үйқ. Мутлақ мулк Уницидир, мақтov ҳам Унга хосдир. У ҳар нарсага қодирдир. Роббим, Сендан бу кечанинг яшиликларини ва ундан кейингисидаги яшиликларни сўрайман. Сендан бу кечанинг ёмонлигидан ва ундан кейингисидаги ёмонликлардан паноҳ тилайман. Роббим, дангасаликдан, жуда қариб кетишидан ва ёмон кибрдан паноҳ тилайман. Дўзах ва қабр азобидан ҳам паноҳ тилайман)

Имом Муслим ривояти.



د أحمد عيسى المعصراوي

- في علاقتك مع الله: "اتق الله حيثما كنت" ..

- في علاقتك مع نفسك: "اتبع السيئة
الحسنة تمها" ..

- في علاقتك مع الناس: "خالق الناس
بخلق حسن" ..

2032. Аллоҳ билан алоқангда «Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳдан кўрқ».

Нафсинг билан алоқангда «ёмонликка яхшиликни эргаштириш, ёмонликни ўчириб юборади».

Одамлар билан алоқангда «Одамларга гўзал хули билан муомала қил».

لا تحزن، لأن الحزن يضعفك في العبادة، ويُنْهِيُك عن العلم وبوْرتك
الإيجابات، ويدعوك إلى سوء الظن، ويُوْقِعُك في التشاؤم.
لا تحزن، فإنَّ الحزن والقلق أساس الأمراض النفسية، ومصدر الآلام
العصبية، ومادة الانهيار والوسواس والاضطراب.
لا تحزن، ومعك القرآن، والذكر، والدعاء، والصلوة، والصدقة، وفضل
المعروف، والعمل النافع المثير.
لا تحزن، ولا تستسلم للحزن عن طريق الفراغ والبطالة، صل.. سبّح..
اقرأ.. اكتب.. اعمل.. استقبل.. زر.. تأمل..

2033. Сиқилма! Хафалик ибодатдан заифлаштириб, илмдан қолдиради, тушкунликка олиб боради, ёмон гумонга чорлайди ва умидсизликка йўлиқтиради.

Сиқилма! Хафалик ва безовталик руҳий дардларнинг асоси, асаб орқали келадиган касалликларнинг манбай ҳамда парокандалик, васваса ва изтиробнинг моддасидир.

Сиқилма! Ахир сенда Куръон, зикр, дуо, намоз, садака, яхшилик, келгусида самара берувчи манфаатли ишлар бор-ку?

Сиқилма! Бекорчиликдан диққинафас бўлма! Намоз ўқи, тасбех айт, китоб ўқи, ёз, ишла, меҳмон қут, зиёрат қил ва фикр юрит!



2034. Имтиҳон тугади, энди у натижасини билишга кетяпти.



2035. Миянгни чулғаб олган ғам-ташвишларингга ҳикмат қўзи билан қара!
Эҳтимол, у қуруқ ваҳимадир, сен эса буни билмаётгандирсан?



2036. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир киши келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, кеча мени чаён чақиб олди», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кеч кирганда «Аъгузуу бикалимаатиллаахит-таамма мин шарри маа холак»** (Аллоҳнинг барча калималари билан У яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман) десанг, сенга ҳеч нарса зарар бермайди», дедилар.

И мом Муслим ривояти



2037. Аллоҳим! Бизни дунёда яхшилик уруғини экиб, охиратда ҳосилини ўриб оладиганлардан қилгин!



2038. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Эй аёллар! Садақа бериб, истиғфорни қўпайтиргилар, чунки мен кўрдимки, дўзах аҳлининг аксари сизлар экансиз».



2039. «Сизга келгусида баҳт тилаб қоламан», дейишади, «Сизга ҳозирда ҳам баҳт тилайман», дейишмайди. Ахир ҳозирим аламли бўлса, келгусидаги баҳтнинг нима кераги бор?



2040. Қабрларимиз кавлаб қўйилган, бизлар эса ҳануз тавба қилмадик. Қанийди қабр кавланмасидан тавба қилиб қолсак...



2041. Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга бирор калимани ўргатинг, уни тонг отганда ва кеч кирганда айтиб юрай», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Тонг отганда, кеч кирганда ва тӯшакка ётганингизда «Аллоҳумма, фаатирос-самааваати вал ард, ъаалимал гойби ваш-шахаада, Робба қулли шай`ин ва малийках, ашҳаду аллаа илааха иллаа ант, аъзуузу бика мин шарри нафسيй ва шарриش-шайтони ва ширкихи», деб айтиб юринг» (Эй еру осмонни бор қилган Аллоҳим, эй гоибни ва шоҳидни билувчи Роббим! Сен ҳар бир нарсанинг парвардигори ва подиоҳидирсан. Гувоҳлик бераманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Нафсиминг ёмонлигидан ва шайтоннинг ёмонлигию ҳийласидан Ўзингдан паноҳ тилайман).**

Абу Довуд ва Термизий ривояти.

Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Бир неча сахобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга бир калимани ўргатинг, уни эрталаб, кечқурун ҳамда тўшакка ётганимизда айтиб юрайлик», дейишид. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги дуони айтиб, унга **«Ва ан нақтарифа суу`ан ъалаа анфусинаа ав нажурроҳу илаа муслим»** (*Нафсимизга ёмонлик бўлишидан ва мусулмоннинг ҳам ёмонликка гирифтор бўлишидан паноҳ тилаймиз*) деб кўшиб кўйдилар.

Абу Довуд ривояти.



2042. Илм — покиза шариатнинг тожидаги қимматбаҳо дурдир. Унга илм одобини ўзида мужассам қилиб, оғатларидан четланган кишигина етиша олади.

لو استمع النبي ﷺ لمن اتهموه بالجبنون لما انتشر الإسلام، ولو
قعد حزيناً بسبب من حملوه وزر من ترك دينه وخاصم أهله ما كنا
مسلمين، ولو توقف الحبيب ﷺ ليرد على من قال إنه شاعر ينظم
الشعر ويوجه الجهلاء أنه كلام رب العالمين، لانتهت حياته ﷺ وما
فعل شيئاً.


لكنه علمنا ﷺ أن ننطلق متمسكين بثبات عقيدتنا، ورسوخ
في مبادئنا، ولا نستمع لقول من لا يعلم.

2043. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у зотни «мажнун» деганларнинг сўзидан таъсирланиб, уларнинг гапига қулоқ солгандарида, Ислом тарқалмаган бўлар эди. У зот олиб келган динни тарқ қилганларнинг гунохига сиқилиб ўтиравергандарида, биз мусулмон бўлмас эдик. «У шоир, шеърлар ёзади,

жохилларгина уни оламларнинг Робби томонидан келган, деб ўйлашади» дейдиганларга жавоб қайтараман деб тўхтаб қолганларида, ҳаётлари тугагунча ҳеч бир иш қилмаган бўлардилар. Лекин ақийдамизни маҳкам ушлаб, асос ва тамойилларимизни кучайтириб, билмаганларга қулоқ солмай, олға боришни бизга у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ўргатганлар.



2044. Ҳакимлардан бири шундай деган экан: «Шошилиш шайтондандир. Лекин бешта нарсага шошилиш керак: бўйи етган кизни узатишга, меҳмонга овқат беришга, қарзни узишга, гуноҳдан тавба қилишга ва маййитни дафн қилишга».



2045. Бирорларни тўғри йўлда эмас деб гумон қиласиганлар туфайли балога учрадик!

Ибн Сино



2046. Усмон ибн Аффон розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Қай бир банда ҳар тонгда ва тунда уч марта: «Бисмиллаҳи رَبِّ الْعَالَمِينَ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يَعْلَمُ مَا فِي الْأَرْضِ وَمَا فِي السَّمَاوَاتِ وَهُوَ أَكْبَرُ الْعَلِيمُ» (Аллоҳнинг исми билан, Унинг исми туфайли еру осмонда ҳеч нарса зарар бера олмайди. У Зот эшишувчи, билувчидир) деса, унга ҳеч нарса зарар етказа олмайди».

Абу Довуд ва Термизий ривояти.



2047. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Қай бир банда қасал бўлса ёки сафарга чиқса, унинг учун худди муқимлигида, соғломлигида қилиб юрган амалига ёзилгандек (ажр) ёзилаверади».

Имом Бухорий ривояти.



2048. Қуръоним – ҳаётимнинг нуридир. У нақадар нурли!



2049. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Киши ўзига ҳалол бўлмаган аёлга қўл теккизганидан кўра темирдан ясалган нинани бошига санчгани яхши».



2050. Бошқаларнинг қалбидаги ғам-ташвишни кўрсанг эди, қалбингдаги тинчлик-хотиржамлик учун Аллоҳга роса ҳамду сано айтар эдинг.



2051. Савбон розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Ким кеч кирганда: «Розийту биллаахи Роббан, ва бил Ислами дийнан, ва би Мұхаммадин соллаллоҳу ъалайҳи васаллама Набийян»** (Аллоҳни Роббим, Исломни диним, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни пайғамбарим деб рози бўлдим) деса, Аллоҳ уни рози қилиши ҳақ бўлади».

Имом Термизий ривояти.



2052. Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анхудан «Ароқ ичганмисиз?» деб сўрашди, у зот: «Ароқни жоҳилиятда ҳам, исломиятда ҳам ичмаганман», дедилар. У зотга: «Нима учун, ахир у Исломдан олдин ҳаром қилинмаган эдику?» дейишди. У зот: «Чунки ароқ инсонни хорлайдиган, ақлни кетказадиган нарса», деб жавоб бердилар.



2053. Намоз – эхтиёж тушгандагина ишлатиладиган захира ғилдирак эмас, балки яшаш учун ишлатиладиган ёқилғидир.



2054. Жаннатга ета олмасак, узок умрдан, узун йўлдан не фойда?



2055. Сизни ҳар кунгидек боғда кўрмагач, хавотирландик!



2056. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким тонг отганда ёки кеч кирганды: «Аллоҳумма, инний асбахту, ушҳидука ва ушҳиду ҳамалата ъаршика ва малаикатака ва жамийъа холқик, аннака анта лаа илааҳа илла анта ва анна Мұхаммадан ъабдука ва росуулук» (Аллоҳум, мен тонг оттиридим. Сени ва Аришингни күтарувчи фариишталарингни ва ҳамма яратган нарсаларингни гувоҳ қилиб айтаманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Сенинг банданг ва Расулингдир) деса, Аллоҳ таоло унинг танасидан тўртдан бирини дўзахдан халос қиласди. Ким буни икки марта айтса, Аллоҳ таоло унинг ярмини дўзахдан халос қиласди. Ким уч марта айтса, Аллоҳ таоло унинг тўртдан уч қисмини дўзахдан халос этади. Ким тўрт марта айтса, Аллоҳ таоло уни бутунлай дўзахдан халос қиласди».

Абу Довуд ривояти.



2057. Бир ҳаким зотдан поклик ҳақида сўрашди. У шундай деди: «Баданингдан олдин қалбингни юв, қўлингдан олдин тилингни юв ва одамлар ҳақида яхши гумонда бўй!».



2058. Одамлар ортга қараб ўгирилмайдилар, чунки шамол олдинга қараб эсади, сув ҳам олдинга қараб оқади, карвон ҳам олдинга қараб юради. Сен ҳам ҳаёт конунига хилоф иш тутма!

Доктор Оиз Кораний.



2059. Бу қандай ажойиб инсонки, ўзи кўп гапирмайди, лекин гапиргудек бўлса, ҳаммани жим қилиб қўяди!




2060. Тонг билан кушойиш эгизакдир. Тонг зулматдан ёруғликка чиқиши бўлса, кушойиш танглиқдан кенглиқкка чиқишидир.



2061. Абдуллоҳ ибн Ғанном розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам шундай дедилар: «**Ким тонг отганда «Аллоҳумма, маа асбаҳа бий мин ниъматин фаминка ваҳдака, лаа шарийка лак, лакал ҳамду ва лакаш-шукр»** (Аллоҳим, мен билан тонг оттирган неъматлар Сендандир. Сен яккаю ёлгиздирсан, Сенинг шеригинг йўқ. Сенга ҳамд ва шукрлар бўлсин) деса, кундузнинг шукрини адо қилибди. Ким шу дуони кеч кирганида айтса, кечанинг шукрини адо этибди»

Абу Довуд ривояти.



2062. Суфён ибн Уяйна айтдилар:

«Қиёмат куни қаттиқ ҳасрат ва надоматда қолувчи кимсалар уч тоифадир:

1. Қиёмат куни қули ўзидан кўра афзалроқ амал билан келган киши.
2. Мол-дунёси бўлса ҳам, садақа бермай ўлиб кетган, лекин ўша мол-дунёдан меросхўрлари садақа қилган киши.
3. Бир олган илмидан фойда олмаган, лекин бошқаларга ўргатиб, ўша ўргатганлари бу илмдан манфаат олган олим».



2063. Ривоят қилинишича, Бузругмехр (Нўширавоннинг одил вазири) ўзининг □Амсол□ номли китобини ёзиб тутатгач, шундай деган экан: □Бу китобни ўқиб, олим бўлган кишига эмас, балки уни ўқиган, лекин олим бўла олмаган кишидан ажабланаман!□



2064. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:
«Уч киши бўлсангиз, иккингиз бир кишини қолдириб, пичирлашмасин, чунки бу нарса уни хафа қиласи».



2065. Модомики бошқаларга фойда берадиган нарса ёза олмасанг, ҳеч бўймаса ўзига манфаат олувчи ўкувчи бўлгин!



2066. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кеч кирганда ва тонг отганда қуйидаги дуоларни айтишни ҳеч тарк қилмас эдилар:

«Аллоҳумма، инний ас`алукал ъаафијата фидунийа вал аахиро.
Аллоҳумма، инний ас`алукал ъафва вал ъаафијата фий дийний، ва
дунийайа، ва аҳлий، ва مالیй. Аллоҳуммаستур ъавротий ва аамин равъятий.
Аллоҳуммахфаڻий мин байни йادایا ва мин хولفي، ва ڦان یامیئنیй ва
ڦان شیمالیй، ва мин фاوکیي، ва ایعوز بیاڙوماتیکا ان یغتالا مین
تاختیي» (Аллоҳум، мен Сендан дунё ва охиратда оғият сӯрайман. Аллоҳум،
динимда ва дунёимда، аҳлимда ва молимда афв ва оғият сӯрайман. Аллоҳум،
авратимни яширгин، хавфларимни омонликка айлантиргин. Аллоҳум، мени
олдимдан، ортимдан، ўнгимдан، сўлимдан، устимдан муҳофаза қилгин.
Остимдан ҳалок қилишингдан Ўзингнинг азаматинг ила паноҳ тилайман).


Абу Довуд, Насай, Ибн Можалар ривояти.



2067. Дунёда миллионлаб одамларнинг гумрохликда яшаётганини кўряпсан. Ваҳоланки, Роббинг сени тӯғри йўлга бошлаб, мусулмон қилди. Бу шундай неъматки, ҳар қанча яшасанг ҳам шукрини адо қила олмайсан.




2068. Ҳамд ўз ниҳоясига етгунга қадар Аллоҳга ҳамд бўлсин!



2069. Ризқинг келаверади, келаверади...

Яхши кўриш ҳам ризқ, хурсандчилик ҳам ризқ, дўстинг ҳам ризқ. Ризқни мўл-кўл ато қилувчи Аллоҳдек Зотдан мол-дунёдан бошқа нарса сўрамайдиган кимса ҳақиқий бечорадир.



دخل الصيدلية وقال :
” عندك دواء ”
يلين القلب ؟ ”
فَأَعْطَاهُ الصَّيْدِلِي
(مَصْحَفاً) وَقَالَ :
شَفَاكَ اللَّهُ ..


2070. Бир киши дорихонага кириб, «Сизларда қалбни юмшатадиган дори борми?» деб сўради. Дори сотувчи унга бир Куръон берди-да, «Аллоҳ шифо берсин», деди.




2071. Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўшакларига ётаётганларида шундай дердилар:

«Аллоҳумма, инний аъузу биважхикал кариим ва бикалиматикат тааммати мин шарри маа анта аахизум бинаасийа. Аллоҳумма, анта такшифул мағрома вал ма`сам. Аллоҳумма, лаа йуҳзаму жундука ва лаа йуҳлафу ваъдука, ва лаа йанфаъу залжадди минкал жадд, субҳанака ва биҳамдик» (Аллоҳим, карим важдҳинг ила барча қалималарингни ўртага қўйиб, пешонадан тутишингга сабаб бўлувчи ёмонликлардан паноҳ тилайман. Аллоҳим, Сен ҳасорат ва гуноҳларни фоиш қилувчисан. Аллоҳим, Сенинг лашкаринг енгилмасдир. Сенинг ваъданг хилоф қилинmas. Сенинг буюклигинг олдида бошқа улуғлик фойда бермас. Сени ҳамдинг ила поклаб ёд этаман).

Абу Довуд ва Насаийлар ривояти.



2072. Кеккайган одам төг чўққисида турган кишига ўхшайди: одамлар унга арзимас, кичик бўлиб кўринади. Аммо унинг ўзи ҳам одамларга у ердан арзимас, кичик бўлиб кўринади.



2073. Фарзанд тарбиясидаги хатоларнинг оқибатлари:
Фарзандингиз кўп ёлгон гапирадими? Демак, сиз уни хаддан ташқари қаттиқ ҳисоб-китоб қилиб, тергайсиз.

Фарзандингиз ўзига ишонмайдими? Демак, сиз уни шижаотлантирмас экансиз.

Фарзандингиз сўзлашишни билмайдими? Демак, сиз у билан сухбатлашмас экансиз.

Фарзандингиз ўғирлик қиласидими? Демак, сиз унга совғалар, хадялар бермас экансиз.

Фарзандингиз қўрқоқми? Демак, сиз уни кўп ҳимоя қиласидими?

Фарзандингиз бошқаларни хурмат қиласидими? Демак, сиз у билан баланд овозда гаплашар экансиз.

Фарзандингиз доим дарғазабми? Демак, сиз уни мақтаб турмас экансиз.

Фарзандингиз баҳилми? Демак, сиз у билан шериқ, ҳамкор бўлмас экансиз.

Фарзандингиз бошқаларга зулм қиласидими? Демак, сиз ҳам кўпол экансиз.

Фарзандингизнинг шахсияти заифми? Демак, сиз доим дўқ-пўписа билан муомала қиласидими?

Фарзандингиз жонсаракми? Демак, сиз ҳадеб муҳлат қўяверар экансиз.

Фарзандингиз сиздан ўзини олиб қочадими? Демак, сиз уни бағрингга босиб, қучмас экансиз.

Фарзандингиз сизга итоат қиласидими? Демак, сиз талабни жуда кучайтириб юборар экансиз.

Фарзандингиз бошқаларга аралашмайдиган одамови бўлиб қолганми? Демак, сиз ишга ҳаддан ташқари банд экансиз.

Доктор Ториқ ал-Ҳабибий



2074. Али ибн Абу Талиб каррамаллоху важхаҳу айтдилар:

Ким ўзини ўзи ҳисоб-китоб қилса, фойда топибди.

Ким бундан ғафлатда қолса, надоматда қолибди.

Ким оқибатларга қараса, нажот топибди.

Ким ҳавои нафсига итоат қилса, йўлдан адашибди.

Ким ҳалим бўлмаса, афсус чекибди.

Ким сабр қилса, кўп нарса қўлга киритибди.

Ким (Аллоҳдан) қўрқса, раҳмдил бўлибди.

Ким эътиборли бўлса, басират кўзи билан кўрибди.

Ким басират кўзи билан кўрса, англабди.

Ким англаса, билибди.



2075. Ҳар гал нафсинг яхши амални тарк қилишга чорласа, ўзингга ўзинг: «Эҳтимол, мана шу амал сабабли жаннатга киарман?» дегин.



2076. Абу Айёш розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким тонг отганда: «Лаа илааха иллаллоҳу вахдаху, лаа шарийка лах, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд, ва ҳува ъалаа қулли шай'ин қодийр» деса, Исмоил алайхисалом авлодидан бир қулни озод қилгандек бўлади ва унга ўнта яхшилик ёзилиб, ўнта ёмонлиги ўчирилади, даражаси ўн баробар

күтарилади, кеч киргунича шайтондан химоя қилинади. Шу калималарни кеч кирганида айтса, тонгача шайтондан химояда бўлади».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти.



2077. Бир куни Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қабрлар олдида туриб, ўликларга қарат шундай хитоб қилдилар:

«Ассалому алайкум, эй қабристон аҳли! Уйларингизда сизлардан бошқалар яшаяпти, мол-дунёларингиз болаларингиз орасида тақсимлаб бўлинди, хотинларингиз бошқаларга турмушга чиқиб кетишиди. Биздаги хабар мана шу, сизларда қандай хабарлар бор?».

يقول الشيخ المغامسي: إذا مررت بعصفور يشرب من بركة
ماء فلا تمر بجانبه 'التخييف' وابتغ بذلك وجه الله ، عسى أن
يؤمتك من الخوف يوم تبلغ القلوب الحناجر .. وإذا اعترضتك
قطة في وسط الطريق فتجنب أن تصدمها وابتغ بذلك وجه
الله عسى أن يقييك الله ميتة السوء .. وإذا هممت بإلقاء
بقايا الطعام فاجعل نيتك أن تأكل منها الدواب وابتغ بذلك
وجه الله عسى أن يرزقك الله من حيث لا تحتسب .. حتى
إذا نويت نشر هذا الكلام انوي بها خير لعل الله يفرج لك
بها كربة من كرب الدنيا والآخرة ' وتنذر : افعل الخير مهما
استصغرته فلا تدرى أى حسنة تدخلك الجنة ..

2078. Шайх Мағомисий айтадилар:

Сув ичаётган қушча олдидан ўтиб қолсанг, Аллоҳнинг розилиги учун уни хуркитма. Эҳтимол, жон бўғизга келиб қоладиган кунда Аллоҳ сенга омонлик берар?

Йўлда кетаётганингда олдингдан мушук чиқиб қолса, Аллоҳнинг розилиги учун унга урилиб кетишдан ўзингни эҳтиёт қил. Эҳтимол, Аллоҳ сени ёмон ўлимдан сақлар?

Ортиб қолган овқатни улоқтиromoқчи бўлиб турган бўлсанг, Аллоҳ розилиги учун уни ҳайвонлар, паррандаларга бер. Эҳтимол, Аллоҳ сенга ўзинг ўйламаган томондан ризқ берар?

Ушбу сўзларни бошқаларга ҳам етказмоқчи бўлсанг, бу билан яхшиликни ният қил. Шояд Аллоҳ шу сабабли сени дунё ва охиратдаги муаммолардан халос қилса.

Унутма! Ҳар қанча кичик бўлмасин, яхшилик қиласер, ахир сени қайси яхшилик жаннатга киритишини билмайсан-ку!



2079. Балога гирифтор бўлсанг ёки бошингга ғам-ташвишга тушиб қолса, истиғфорни кўпайтири, чунки балонинг сабабчиси гуноҳдир. Истиғфор ғамни бартараф қилиб, балони аритади.



2080. Яхши дўст яхшиликка етаклайди.
Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши дўстининг динидадир. Шундай экан, ким билан дўстлашаётганингта қарагин», дедилар.

Абу Довуд ва Термизийлар сахих иснод ила ривоят қилишган.

(Буни ҳозир «Дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигинги айтиб бераман» дейшишади)



2081. Абу Молик Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:


Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ҳар бирингиз тонг отганда: «Асбаҳнаа, ва асбаҳал мулку лиллаҳи роббил ъаламийн. Аллоҳумма, ас`алука хойро ҳаазал йавми, фатҳаҳу, ва насроҳу, ва нуроҳу, ва барокатаҳу, ва худааху. Ва аъуузу бика мин шарри мaa фийхи ва шарри мaa баъдах» (Тонг оттиридик. Дунёнинг мулки ҳам оламлар парвардигори Аллоҳники бўлгани ҳолда тонг оттириди. Аллоҳим, бу куннинг яхшилигини, унинг фатҳини, галабасини, нурини, баракотини, ҳидоятини сўрайман. Ва Сендан бу кундаги ва ундан кейингисидаги ёмонликдан паноҳ тилайман) деб айтсин. Кеч кирганида ҳам худди шундай десин».

Абу Довуд ривояти.



2082. Ғийбатдан сақланинг!

Ғийбат қанчадан-қанча амалларни фасод қилиб, қанчадан қанча амал қилувчиларнинг ажрини йўққа чиқарган, у туфайли қанчадан-қанча оламлар Роббининг ғазабини келтирган!



2083. Бизларни тўғри йўлга ҳидоят қил!



2084. Эҳтиёт бўл!

Ўрмонга киришга қурбинг етса ҳам, ундан чиқишга қурбинг етишига аниқ ишонгандан кейингина унга киргин!



2085. Абу Яхё Сұхайб ибн Синон розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам шундай дедилар: «Мўминнинг иши ажойиб-да! Ҳар ишдан унга яхшилик келаверади. Бу факат мўминларга хос, бошқаларда ундаи эмас. Хурсандчилик етса, шукр қиласи ва унинг учун мана шу хайдир. Ёмонлик етса, сабр қиласи. Бу ҳам унинг учун хайдир».

И мом Муслим ривояти.



2086. Абдурахмон ибн Абу Бакра отасига шундай деди: «Отажон, ҳар тонгда уч марта ва кечкурун уч марта: «Аллохумма, ъаафиний фий баданий! Аллохумма, ъаафиний фий самъий! Аллохумма, ъаафиний фий басорий! Аллохумма, инний аъуузу бика минал қуфри вал факр! Аллохумма, инний

аъузу бика мин ъазабил қобр, лаа илааха илла анта» (Аллоҳим! Баданимни, қулогимни ва қўзимни оғиятда қил. Аллоҳим, қуфран, камбагалликдан ва қабр азобидан Ўзингдан паноҳ тилайман. Сендан боиқа илоҳ йўқ), дейсиз-а», дедилар. Шунда Абу Бакра розияллоху анху: «Мен Расуллороҳ соллаллоху алайхи васалламнинг шундай дуо қилганларини эшитганман. У зотнинг суннатларига амал қилишни яхши кўраман», деб жавоб бердилар.

Абу Довуд ривояти.



2087. Қалбнинг айланиб юрадиган олти ўрни бўлиб, еттинчиси йўқдир. Учтаси тубан, учтаси олийдир.

Тубанлари:

1. Зийнатланадиган дунё.
2. Қўзғатадиган нафс.
3. Васваса қиладиган душман.

Булар рухиятнинг тубан ўринлариидир.

Олийлари:

1. Йўл кўрсатувчи илм.
2. Тўғри йўлга бошлайдиган ақл.
3. Ибодат қилинадиган Илоҳ.

Қалблар мана шу ўринларда айланиб юради.



2088. Араб юртларида пазандалик ҳамда туш таъбирлари ҳақидаги китоблар энг күп сотилар экан. Бу эса нуқул овқатланиб, сўнг ухлайдиган уммат эканимизга далилдир.

Низор Қаббоний



2089. Ҳақиқий баҳт-саодат, ҳақиқий хотиржамлик ва ҳақиқий ҳаётни китобдан топасан.



2090. Насиҳат қилиш осон, насиҳатни қабул қилиш қийин. Чунки ҳою-хавасга муккасидан кетган одам учун насиҳат дори ичган хастанинг димоғида ҳосил бўладиган тахир таъмдан ҳам аччиқ бўлади. (Насиҳатдан баҳраланган) баҳтли инсонга эса Аллоҳнинг инояти тезда етиб келади. Бу иноятдан маҳрум кимсалар ҳою-хавас денгизлариға фарқдир.



2091. Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким тонг отганда: «Фасубҳааналлоҳи хийна тумсууна ва хийна тусбиҳуун. Ва лаҳул ҳамду фис-самавати вал арди ва ъашийян ва хийна тузхирун. Йухрижул ҳайя минал майит, ва йухрижул майита минал ҳайй, ва йухийил ардо баъда мавтиҳаа ва казаалика тухроҷун»* («Кеч кираётганда, тонг отаётганда, оқшомда ва туши пайти Аллоҳга тасбех айтинглар. Осмонлару ердаги ҳамду санолар У Зотгадир. У ўликдан тирикни, тирикдан ўликни чиқарур. Ва ўлик ерни тирилтирур. Сизлар ҳам мана шундай тирилтирилурсизлар» деса, шу куни йўқотган нарсаларини топибди. Ким буларни кечки пайт айтса, тунда йўқотган нарсаларини топибди»).

Абу Довуд ривояти

* Рум сураси, 17-19-оятлар.



2092. Ишламасдан ютуққа эришаман деб ўйлаган одам худди урға сепмай, йиғим-теримни кутиб турган кишига ўхшайди.



2093. Сукуннинг турлари:

1. Олдингда турган кишига гапириш манфаат бермаслигига қўзинг етса, айниқса у кекса одам бўлса, бундай сукут «эҳтиром» дейилади.
2. Сен учун азиз бир кишининг эътиборини муҳим нарсага қаратмоқчи бўлсанг-у, у сенга беътибор бўлса, бундай пайдаги сукут «алам» дейилади.
3. Бир киши сенга озор етказса, ёлғиз йиғлаш учун кетганингдаги сукут «қаҳр» дейилади.
4. Қалбинг заифлашиб, муаммони кўтара олмагандаги сукут «бўғилиш» дейилади.
5. Қаршингдаги киши озор берувчи сўзлар айтгандаги сукут «қувват» дейилади, чунки ғазабини тийишга кучи етган одам чинакам кучлидир.

**فَعْنَ لَمْ يَعْذِبْ شَيْطَانَهُ فِي هَذِهِ
الْدَّارِ بِذِكْرِ اللَّهِ تَعَالَى وَتَوْحِيدِهِ
وَاسْتَغْفَارِهِ وَطَاعَتِهِ، عَذَّبَهُ
شَيْطَانَهُ فِي الْآخِرَةِ بِعَذَابِ النَّارِ.**

بدائع الفوائد [٤٨٠]

2094. Ким Аллоҳнинг зикри билан, Уни бир деб билиш билан ҳамда Үнга истиғфор айтиб, тоат қилиш билан бу дунёда шайтонини азобламаса, шайтони уни охиратда дўзах азоби билан жазолайди.



2095. Мен ўқиган энг гўзал нукталар:

- Ортиқча мулойимлик заифликдир.
- Ортиқча кулги енгилтаклиkdir.
- Ортиқча роҳатланиш танбаллиқдир.
- Мол-дунёни ортиқча сарфлаш исрофдир.
- Ортиқча эҳтиёткорлик васвасадир.
- Энг қийин сўз комилликдир.
- Энг гўзал сўз «Ас-Салом»дир.
- Охирги сўз ўлимдир.
- Ўч ва қасоснинг афзали кечиришдир.
- Энг улкан хазина фазилатдир.
- Энг қаттиқ азоб виждан азобидир.

- Энг гўзал севги эр-хотиннинг севгисидир.
- Доимий муҳаббат онага муҳаббатдир.
- Бугунги кунингдан ибрат ол.
- Ўтган кунингдан тажриба ол.

«Шунингдек, одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингиздан гувоҳ бўлиши учун сизларни ўрта миллат қилдик»
(Бақара сураси, 143-оят)



2096. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизларидан бири ривоят қиласи:

У зот бизларга тонг отганда: «Субхааналлоҳи ва биҳамдиҳ, лаа қуввати илла биллааҳ, мaa шaa`аллоҳу каана, ва маа лам йашa` – лам йакун. Аъламу анналлоҳа ъалаа қулли шай`ин қодийр. Ва анналлоҳа қод аҳаато бикулли шай`ин ъилма» (Аллоҳи ҳамди билан поклайман. Аллоҳдан бошқада қуввати йўқ. Аллоҳ ҳоҳлаган нарса бўлади, ҳоҳламаган нарса бўлмайди. Биламанки, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир. Ва албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани илми ила ихота қилган) дейишни ўргатар эдилар. Чунки тонг отганда бу калималарни айтган киши кеч киргунича муҳофаза қилинади. Кеч кирганда айтса, тонг отгунча муҳофаза этилади.

Абу Довуд ривояти.




2097. Фазилатли аёл ёпиқ китобга ўхшайди. Бу китобни уни ўз ҳаётига шерик қилган эркакгина ўқий олади.

Анис Мансур.



2098. Ким түғри йўлда юрса, муродига етади.



2099. Аҳмад ибн Ҳарброҳимахуллоҳ айтдилар:
Эллик йилдан бери Аллоҳга ибодат қиласан. Аммо уч нарсани тарқ қилмагунимча ибодатнинг халоватини топа олмадим:

- одамларнинг рози қилишни тарк этгач ҳақни сўзлашга журъат қила олдим.
- фосиқлар билан сухбатни тарк қилгач, солиҳлар сухбатини топдим.
- дунё ҳаловатини тарк қилгач, охират ҳаловатини топдим.



2100. Доктор Иброҳим Фуқий роҳимаҳуллоҳнинг ажойиб сўзларидан:

- Қаламни йўқотдингми, энди дафтaring ҳам йўқ.
- Дафтaring йўқми, энди шаҳодатинг (аттестат) йўқ.
- Шаҳодатинг йўқми, энди сенга иш ҳам йўқ.
- Ишинг йўқми, энди пулинг ҳам йўқ.
- Пулинг йўқми, емишинг ҳам йўқ.
- Емишинг йўқми, демак заифсан.
- Заиф қолдингми, энди вахшийлашасан.
- Вахший қолдингми, энди муҳаббат йўқ.
- Муҳаббат йўқми, оила қуриш ҳам йўқ.
- Оила йўқми, болалар ҳам йўқ.
- Болалар йўқми, демак ёлғизсан.
- Якка қолдингми, ноумид бўласан.
- Ноумид бўлдингми, касал бўласан.
- Касал қолдингми, ўласан.

Шундай экан, хушёр бўл, қаламингни йўқотма!



2101. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:


«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кирсалар, Абу Умома деган ансорий сахоба ўтирган экан. Расулуллоҳ алайхисалом: «Эй Абу Умома, намоз вақтидан бошқа пайтда масжидда ўтирибсанми?» деб сўрадилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ғам ва қарз мени шу ахволга солиб қўйди», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сенга бир дуони ўргатайми? Уларни айтиб юрсанг, Аллоҳ ғамингни кетказиб, қарзингдан халос этади. Тонг отганда ва кеч кирганда: «Аллоҳумма, инний аъуузу бика минал ҳамми вал ҳазан, ва аъуузу бика минал ъажзи вал касал, ва аъуузу бика минал жубни вал бухл, ва аъуузу бика мин ғолабатид-дайни ва қохрир рижаал» (Аллоҳим, ғам-ташивишдан, ожизлик ва дангасаликдан, қўрқоқлик ва баҳилликдан, қарз юқидан ва одамларнинг қаҳридан паноҳ бер) деб юргин», дедилар.

Абу Умома: «Шундан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларига амал қилдим. Аллоҳ ғам-ғуссамни кетказиб, қарздан халос этди», дер эди.

Абу Довуд ривояти.

قد تكون إرادة الله أحياناً غامضة ولكنها دائماً ملخص حلك

2102. Баъзан Аллоҳнинг иродаси ноаниқ бўлиб кўриниши мумкин, лекин у доим сенинг фойдангга бўлади.



2103. Қуръон – бу ҳаётдир!

Ибн Масъуд розияллоху анху айтади: «Ким Аллоҳни қанчалик севишини билмоқчи бўлса, ўзининг Қуръонга муносабатини кўрсин. Ким Қуръонни яхши кўрса, демак, у Аллоҳни яхши кўради, чунки Қуръон Аллоҳнинг каломидир».



2104. Нима эксанг, шуни ўрасан:

Яхшилик эксанг, дўстларни йиғиб оласан.
Тавозеъ эксанг, эҳтиром йиғиб оласан.
Қатъият эксанг, розилик йиғиб оласан.
Тақдирлаш эксанг, эътибор йиғиб оласан.
Ижтиход эксанг, ютуқ йиғиб оласан.
Иймон эксанг, хотиржамлик йиғиб оласан.



2105. Бирорларнинг ҳис-туйғулари билан ўйнашмагин. Эҳтимол, бу ўйинда ғолиб бўларсан, лекин атрофингдаги кишиларни йўқотиб, улардан умрбод маҳрум бўласан!



2106. Абдуллоҳ ибн Абзо розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:
Тонг отса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Асбаҳнаа ъалаа фитротил Ислаам, ва қалиматил ихлаас, ва дийни набиййинаа Мұҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллам, ва миллати Иброхийма ҳанийфан, муслиман. Ва маа ана минал мушрикийн» (Мушрик бўлмасдан, мусулмон ҳолимизда ва тўёрий йўлда бўлган Иброҳим алайҳиссаломнинг миллатларида, пайгамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссаломнинг динларида, ихлос қалимасида ва Ислом фитратида тонг оттиридик) дер эдилар.

Ибн Сунний ривояти.

الزيتون عندما يُضغط
يأتي لنا بالزيت الصافي
و الفواكه عند عصرها
تأتي لنا بأذ العصائر

فإذا شعرت بمتاعب الحياة
تضغطك بهمومها و تعصر قلبك

فلا تحزن .. فإن الله يريد أن يُخرج
أحلى ما فيك لتناول الأجر
فاستعن الصبر

2107. Зайтунни сиқсангиз, мусаффо ёғ тортиқ қилади. Меваларни сиқсангиз, лаззатли шарбатлар тортиқ қилади. Демак, ҳаёт машаққатларини ҳис қилсанг ва у ғам-ташвишлари билан сенга босим қилиб, қалбингни сиқса, асло ғамгин бўлма! Чунки Аллоҳ ажр-савобга эришишинг учун сендаги энг ёқимли нарсаларни юзага чиқаришни хоҳламоқда. Шундай экан, сабрдан ёрдам ол!



2108. Ҳасанга: «Жуда кўп йифлайсиз-а?» дейишди. У зот: «Менга эътибор бермай, дўзахга улоқтиришларидан қўрқаман», дедилар-да: «Баъзи қавмларни гуноҳларнинг кечирилиши алдаб қўйиб, ҳатто дунёдан тавбасиз ўтишади ва: «Мен Роббим хусусида яхши гумондаман», дейишади. Бу киши ёлғон айтибди. Яхши гумонда бўлса, амални чиройли қилган бўлар эди», дедилар.



2109. Ичимизда нимадир қичкирса-ю, уни ҳеч ким эшитмаса – энг оғир қичқириқ мана шудир.

قبل أن ترسل

صور	أغانٍ	أفلام

تذكير

وَلَيَحِمِّلُنَّ أَنْقَالَهُمْ وَأَنْقَالًا مَعَ أَنْقَالِهِمْ وَلَيُسْتَلِّنَ
يَوْمَ الْقِيَمَةَ عَمَّا كَانُوا يَفْتَرُونَ

١٣

2110. Интернетда кимгadir видео, мусиқа ёки сурат жүннатишдан олдин қуидаги оятни эслаб қўй:

«Албатта, улар ўз юкларини ҳам, у юклар* билан бирга бошқа юкларни ҳам кўтарурлар. Уйдириб юрган нарсалари ҳақида қиёмат куни албатта сўралурлар» (*Анкабут сураси, 13-оят*).

* Ушбу оятда «юк» деганда гуноҳ назарда тутилган. Бундай кимсалар ўз гуноҳлари юкини кўтарадилар ва шу билан бирга иғволари билан ўзлари йўлдан урган одамларнинг гуноҳларини ҳам кўтарурлар. Аммо бу нарса уларнинг иғвосига учгандарнинг гуноҳини енгиллатмайди, улар ҳам қилмишларига яраша жазоларини тортадилар.



2111. Абдуллоҳ ибн Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Тонг отса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Асбахнаа ва асбаҳал мулку лиллаҳи азза ва жалла, валҳамду лиллаҳи вал кибрийаау вал ъазомату лиллаҳи вал холқу вал`амру вал-лайлу ван-наҳару ва маа сакана фийхимаа лиллаҳи таъалаа. Аллоҳуммажъал аввала ҳаазан-наҳаари солааҳан ва авсотоҳу нажаҳан ва аахироҳу фалаҳан, йаа арҳамар-роҳимиин!» (Тонг отди, ўзимиз ҳам, бутун борлиқ ҳам Аллоҳникидир. Ҳамд, кибриё, улуглик, яратии, буюриши, тун ва кун ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларнинг барчаси Аллоҳникидир. Аллоҳум, бу куннинг аввалини ислоҳ, ўртасини нажсот, охирини ютуқ қил, эй раҳм қилувчиларнинг раҳмлиси) дер эдилар».

Ибн Сунний ривояти.



2112. Сен билан юрган хар бир кишини ҳам дўст деяверилмайди. Уларнинг баъзилари эҳтиёж тушгандага сени излаб қолишади. Кўпчилиги кўнгилхушлик учун ўртоқлашишади. Аммо кўпинча жиддий (ёрдам керак) пайтда сени сотиб юборишади.



2113. Саудиянинг Япониядаги элчихонасида уюштирилган кечки зиёфатга бориш учун таксига ўтиридим. Шофёр инглиз тилини билмагани учун қўлимизга йўл харитасини берди ва йўлсанарни (километр ҳисоблагични) ишлатди-да, йўлга тушди. Лекин бироз ўтгач, йўлни адаштириб қўйди. Шунда у харитага қаради-ю, ажойиб бир иш қилди. Бундай бўлишини асло кутмаган эдим. Қарангки, у йўлни адаштириб қўйганини билгач, энди керагидан ортиқ вақт кетишини билиб, йўлсанарни тўхтатиб қўйди. Ҳа, ишонаверинг, омонат юзасидан, қўшимча пул ҳисобламаслиги учун шундай қилди.

Энди ушбу тажрибани баъзи исломий ўлкаларга солиштириб кўринг. Агар хайдовчи чет эллик эканингизни билса, дарров нархни ошириб қўяди.

Аҳмад Шуқайрий.



2114. Инсон қачон вафот қилса ҳам, икки намознинг орасида ўлади. Бири – ҳозир адо қилаётган намози, иккинчиси – ундан кейинги намоз. Шундай экан, намоз ўқиётганингда шу ўқиётган намозинг энг охиргиси бўлиши мумкинлигини ўйла, шунда кўпроқ хушу қиласан!




2115. Банданинг тўғри йўлда бўлиши, тавозеси, дунёга қизиқмаслиги ёки Аллоҳнинг китобини ёд олганлиги ёки Аллоҳнинг бандаларига насиҳатгўй бўлиши ибратланадиган ҳолат эмас. Ҳақиқий ибрат – Аллоҳдан бошқалар билмайдиган, фақат Аллоҳгина биладиган ҳолатда, инсон ёлғиз, холи қолганида нима ишлар қилишидир. Иймон мана шу нуқтада имтиҳон қилинади.



2116. Маъқал ибн Йасор розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким тонг отганда уч марта: «Аъуузу биллаҳис-самийъул ъалийм минаш-шайтонир-рожийм» (Эшиитувчи ва билувчи Аллоҳнинг исми ила лаънатланган шайтондан паноҳ тилайман) деб, Ҳашр сурасидан уч оят ўқиса, Аллоҳ таоло унга кеч киргунича саловот айтиб турадиган етмиш минг фариштани вакил қилиб қўяди. Агар у вафот этса, шаҳид кетади».

Термизий ва Ибн Сунний ривояти.



قال رسول الله صلى الله عليه وسلم
كل الذنوب يؤخر الله منها ما شاء
إلى يوم القيامه إلا عقوبة الوالدين
فإنما يعجل لصاحبها

2117. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиёмат кунигача Аллоҳ барча гуноҳларни(нг жазосини) Ўзи хоҳлаган фурсатга кечиктириб туради, аммо ота-онага оқ бўлганлар бундай эмас. Аллоҳ унинг эгасига (уқубатни бу дунёни ўзидаёк) тезлатади», дедилар.

Имом Ҳоким ва Байҳақий ривояти.



2118. Ҳою-ҳавас томирларидан бири ўса бошласа, уни тақво муолажаси билан қирқиши керак. Қирқадиган асбобинг ўтмаслашиб қолса, уни қайрагин, ялтирасин.



2119. Ғам-ташвиш ва хафаликнинг иккита сабаби бўлади:
Бири дунёга ружу қўйиш ва унга ҳарис бўлиш.
Иккинчиси яхшилик ва тоатда камчиликка йўл қўйиш.



2120. Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Беш маҳал намозини ўқиган, (Рамазон) ойидаги рӯзасини тутган, номусини сақлаган ва эрига итоат қилган аёл жаннатга киради», дедилар.



2121. Мұхаммад ибн Иброҳим отасидан ривоят қиласы:

«Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни бир сарийяга (ўзлари иштирок этмаган сафарга) юбора туриб, тонгда ва кеч кирганида «Афаҳасибтум аннамаа холақнаакум ъабасан» (Ўйлайсизларки, Биз сизларни беҳуда яратғанмизми?!) оятини* ўқишиңи буюрдилар. Қачон шу оятни ўқисақ, ғалаба қилиб, ғаниматларни күлгә киритар әдик».

Ибн Сунний ривояти.

* *Мұмиллар сураси, 115-оят.*



2122. Баъзан ўзинг хоҳлагандек ҳаёт кечириш учун ишлаб олмасанг, келажакда узоқ вақт ўзинг хоҳламагандек ҳаёт кечиришга мажбур бўласан.



2123. Билганим шу бўлдики, ҳаётда энг муҳим нарса муваффакият эмас экан, энг муҳими муваффакиятга бўлган рағбат экан.



2124. Феъл-атвори ёмон одамга на адиб, на одоб ёрдам бера олади!



2125. Жазоланишга ишонган одам ёмонлик қилмайди.




2126. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тонг отса ва кеч кирса: «Аллоҳумма, ас`алуکа мин фаж`атил хойри ва аъуuzu бика мин фаж`атишшарр» (Аллоҳум, Сендан кутимаган яшиликларни сўрайман, кутимаган ёмонликлардан паноҳ тилайман) деган дуони ўқир эдилар.

Ибн Сунний ривояти.



2127. Ютуқ ва муваффақият шундай зинапояки, унга қўлингни чўнтакка солган ҳолингда кўтарила олмайсан.



2128. Арабларда «Бахил бу дунёда камбағаллардек яшаб, охиратда бойлардек хисоб-китоб қилинади», деган гап бор.



2129. Ҳасан ал-Басрийнинг бир қўшниси у зотни ғийбат қилди. У зот бу ҳақда эшитиб қолиб, бозорга бордилар ва хурмонинг энг яхши навидан сотиб олдилар. Уни бир идишга солиб, қўшнилариникига олиб бордилар ва унга:

«(Мени ғийбат қилиб,) ўз яхшиликларингни менга ҳадя қилибсан деб эшитдим, эвазига шундан афзалроқ ҳадя топа олмадим», деб айтдилар.



2130. Мукарраб бандалар бир-бирига тавсия қилган, нажот топувчи бандалар бир-бирига кўлма-кўл етказган энг биринчи нарса, асл инсонлар суюнган, оқилларни зийнатлаган энг сара нарса — тақво либоси билан безанмоқ ва бало-уқубатларга шикоятсиз сабр қилмоқдир.



2131. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ алайхиссалом Фотима розияллоҳу анҳога: «Васият қилган нарсамни эшитишдан сени нима тўсади? Ҳар тонг ва кечқурун: «Йаа ҳаййу, йаа қойиуму, бика астагийс. Фаслиҳ лий ша`ний куллаху ва лаа такилний илаа нафсий торфата ъайн» (Эй ҳай ва қаййум сифатли Зот, Ўзингдан ёрдам сўрайман. Шаънимни ҳар бир нарсада ислоҳ қилгин, мени кўз юмиб очгунчалик ҳам ўз ҳолимга ташлаб қўйма) дегин», дедилар.


Ибн Сунний ривояти.



2132. Жуда оз бўлса ҳам, кунига садақа қилишни одат қил. Чунки садақа:

- Аллоҳнинг ғазабини ўчиради;
- қасалликка даво бўлади;
- мол-мулкингни поклайди;
- Қиёмат куни сенга соя бўлади;
- вафотингдан кейин ҳам ажр-савобингни кўпайтириб турди.

Шайх Мұхаммад Арийфий.



2133. Муаммолардан холи йўлни қидирсанг, билгинки, у кўпинча ҳеч қайси маконга олиб бормайди.



2134. Замон инсонларни овляяпти.

Мансаб ва мартабалар ақлдан оздиріб қўйғанлардан бўлма.

Қанчадан-қанча неъматлар озгина тойилиш натижасида йўқ бўлади.

Ҳар бир нарсанинг ўзгаришида сабаблар бўлади.



د أحمد عيسى المعصراوي

الْقُرْآن؛ رِئَلُكَ التَّالِيَةُ؛ حِينَ تَخْتَنُ مِنْ
دُخَانِ الْحَيَاةِ فَهُوَ: يَنْفَعُ، يَشْفَعُ، وَيَرْفَعُ

2135. Ҳаёт тутунларидан диққинафас бўлган пайтингда Қуръон сен учун учинчи ўпка бўлади ва сенга манфаат беради, шифо ато қиласи ва даражангни кўтариади.



2136. Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга оғат етаётганидан шикоят қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Тонг отганда «Бисмиллаахи ъалаа нафсий ва аҳлий ва маалий»** (*Нафсимда, аҳлимда ва молимда Сенинг исминг билан*) дегин, шунда сенга ҳеч нарса зарар етказмайди», дея насиҳат қилдилар. Ҳалиги киши шу дуони ўқиган эди, ундан оғатлар кўтарилиді».

Ибн Сунний ривояти.



2137. Қуръондаги икки сурә «вайл» сўзи ила бошланган.

«**Вайл бўлсин** (ўлчов ва тарозидан) **уриб қолувчиларга!**» (*Мутоффифун сураси*).

«**Вайл бўлсин ҳар бир обрў тўкувчи ва айбловчига** (дилозорлик қилиб, бировларнинг обрўсини тўкиб юрадиган бўхтончи, ғийбатчиларга)» (*Хумаза сураси*).

Биринчиси одамларнинг мол-мулкига тегишли, иккинчиси одамларнинг обрўсига тегишли. Шундай экан, бу икки чегарага асло яқинлаша кўрма!



2138. Агар бало ва қийинчилик бўлмаганида, Юсуф алайҳиссалом оталарининг кўйнида эркатой, арзанда ўғиллардан бири бўлар эдилар. Лекин қийинчилик сабаб Мисрнинг подшоси бўлдилар. Сабрдан сўнг сизни қандайдир ютуқ кутаётганига аниқ ишонинг. Бу – сабр қилувчилар учун Аллоҳнинг ваъдасидир.



2139. Ҳакиқий ахли Қуръонлар – гарчи уни тўлиқ ёд олишмаган бўлса ҳам, Қуръондаги нарсаларни англаб, уларга амал қилувчилардир. Қуръонни ёд олган, аммо уни англамайдиган, унга амал қилмайдиганлар ахли Қуръонлар эмас, гарчи ҳарфларни камон ўқини териб қўйганидек тизиб қўйса ҳам!



2140. Муомала либосини кир қилган одам муқарраб бандаларга яқинлаша олмайды.

««Унванул байан»» китобидан.



2141. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Тонг отса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Аллоҳумма, инний ас`алука ъилман нағиъан, ва ризқон тойибан, ва ъамалан мутақоббалан**» (Аллоҳум Сендан фойдали илм, покиза ризқ ва қабул бўладиган амал сўрайман) дер эдилар.


Ибн Можса ва Ибн Сунний ривояти.



2142. Ҳар бир авлод ўзини олдинги авлоддан зийракроқ, кейинги авлоддан донишмандрок деб хисоблайди.



2143. Жоҳиллар уламоларнинг масаласига аралашса, тентаклар сафи мустаҳкамланиб бораверади.



2144. Шақиқ Балхий айтдилар:

Иbn Муборакка: «Нима учун намоз ўқигани чикканингизда биз билан ўтирамайсиз?» дейишиди. У киши: «Мен саҳоба ва тобеъинлар билан ўтираман, уларни китобларига, асарларига қарайман. Сизлар билан ўтириб нима ҳам

қилардим? Сизлар фақат бирорларни ғийбат қилиб ўтирасизлар, холос», дедилар.



2145. Хулқ-атвор шаробининг ўткирлигини риёзат аралашмаси билан синдир, ақл изорини такво иплари билан боғла.




2146. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳумма инний асбаҳту минка фий ниъматин ва ъафийатин ва сатрин, фа атимма ниъматика ъалайха ва ъафийатака ва сатрокка фиддунийа вал ахиро» (Аллоҳум, Сенинг неъматингда, оғиятингда, (айбларим) сатр қилинган ҳолда тонг оттирдим.


Дунёю охиратда менга берган неъматингни, оғиятингни, сатрингни мукаммал қилиб бер!) деб тонгда уч марта ва кечқурун уч марта айтган кишига Аллоҳ шу дуода айтилган ҳамма нарсани мукаммал қилиб беради», дедилар.

Ибн Сунний ривояти.



2147. Фарзандларингизни ёшлик пайтидан бошлаб ибодатга, зикрга ва кунлик вирдларни (вазифаларни) ўқишга одатлантиринглар. Ким бир нарсани одат қилиб улғайса, қариганида ҳам ўша нарса одат бўлиб қолади.

Яхши мевалар олиш учун уруғликни эътиборсиз қолдирманг!



2148. Йиглама, болажоним! Камбағаллик буюк шахсларни етиштиради!



2149. Силаи раҳм диёrlарни обод қилиб, умрларни зиёда қилур, гарчи уни қилган одам яхшилардан бўлмаса ҳам.



2150. Юсуфий ақл эгаси ишнинг оқибатига карайди, Зулайхоча ҳою ҳавас шу фурсат билангина озиқланади. Ақл Юсуфни гуноҳдан қайтариб қолди, Зулайхони эса нафси енгиб қўйди.



2151. Бурайда розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким тонгда ва кеч кирганда: «Роббийаллоҳ, таваккалту ъалайҳи. Лаа илааха иллаа ҳу, ъалайҳи таваккалту ва ҳува Роббул ъаршил ъазийм, лаа илааха иллаллоҳул ъалиййул ъазийм. Мaa шаа'аллоҳу каана ва маа лам йаша` – лам йакун. Аъламу анналлоҳа ъалаа қулли шай`ин қодийр. Ва анналлоҳа қод аҳаато бикулли шай`ин ъилман» (Роббим Аллоҳдир. Унга таваккал қилдим. Ундан бошқа илоҳ үйқ. Ўзига таваккал қилдим. У улуғ арининг Роббидир. Улуғ ва олий Аллоҳдан бошқа илоҳ үйқ. У хоҳлаган нарса бўлади, У хоҳламаган нарса бўлмайди. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани илми билан иҳота қилган Зотдир) деб, сўнг (шу ҳолатида) **вафот этса, жаннатга киради».**

Ибн Сунний ривояти.



2152. Одамлар тасбех айтишда тўрт тоифадирлар:

- Тасбех айтмай, ғафлатда қолганлар:
 - Ўнлаб тасбех айтувчилар:
 - Юзлаб тасбех айтувчилар:
 - Минглаб тасбех айтувчилар.
- Сиз буларниң қайси турига кирасиз?



2153. Бахтли ҳаётни хоҳлайсанми?

Марҳамат:

- Намозни ўз вақтида адо қил:
- Куръонни доим ёнингда турадиган дўст қилиб ол:
- Ота-онангга яхшилик қил!



2154. Кечириш ва унутиш:

- Аҳмоқ одам кечирмайди ҳам, унутмайди ҳам.

- Соддадил одам кечиради ва унтиб юборади.
- Ҳаким ва донишманд одам кечиради, аммо унутмайди.



2155. Донишмандлардан бири айтди: Хеч кимни алдамаслик хушёрлиқдандир, хеч кимга алданмаслик эса ақлнинг комиллигидандир



2156. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:
Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: «Абу Замзамдек бўла олмайсизларми?» дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Замзам ким?» деб сўрашди. Шунда Набий соллаллоху алайхи васаллам: «У ҳар тонг отганида: «Аллоҳумма инний қод ваҳабту нафсий ва ъирзий лак» (Аллоҳим, нафсимни, обрўйимни Ўзингга топширдим) дер, бирор киши уни сўкса, у сўкмас, бирор киши унга зулм қиласа, у зулм қилмас, бирор киши уни урса, у урмас эди», дедилар».

Ибн Сунний ривояти.



2157. Аёл эркакнинг соясидир, аёл эргашмоғи керак, бошқариши эмас!



2158. «Үндаги (Ердаги) барча жонзот фонийдир» (Роҳман сураси, 26-оят)



2159. Қалбда ғафлат кучайса, бағритошлиқ ҳам кучаяди. Қалб Аллоҳни зикр қиласа, ана шу бағритошлиқ худди қўрғошин оловда эригани каби эриб битади. Ҳеч нарса қалбнинг қотишини Аллоҳнинг зикричалик эрита олмайди.



2160. Инсонларнинг энг ақли ноқиси ўзидан пастларга зулм қиласиганидир. Кечиришга энг лойик одам жазолашга қудрати етган одамдир.
«Унванул байан» китобидан.



2161. Абу Дардо розияллоху анхудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ шундай дедилар: «Ким ҳар куни тонг отганда ва кеч кирганда: «Ҳасбийаллоҳу, лаа илааҳа илла ҳува, ъалайҳи таваккалту ва ҳува Роббул ъазизим» (Аллоҳнинг Ўзи менга кифоя қиласи. Ундан бошқа илоҳ йўқ. Унга таваккал қилдим. У улуғ арининг Роббидир) деб етти марта айтса, унинг дунё ва охиратдаги муҳим ишларида Аллоҳнинг Ўзи кифоя қиласи».

Ибн Сунний ривояти.



2162. Эр-хотинлик – эркакнинг аёлдаги гўзаликларга ошиқ бўлиши дегани эмас. Балки бу хотиржамлик, одоб ва ижтимоий асосга қурилган уйни барпо қилишдир!

Эр-хотинлик – Аллоҳга иймон келтириш, Аллоҳнинг ҳидоятига мувофиқ яшаш, Унинг калимасини олий қилиб, рисолатини бошқаларга етказиш дегани ҳамдир!

Шайх Мұхаммад Fazzoliiy



2163. «Сизга берилган нарсалар бу дунёнинг матоҳи ва зийнати, холос. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса эса яхшироқ ва боқийдир. Ақл ишлатмайсизларми?» (Қасос сураси, 60-оят)



2164. Неъматни йўққа чиқаришда зулмдан тезроқ нарса йўқ.



2165. Саодат эшиги фақат ичкаридан очилади, яъни инсон ички дунёсини тўғрилабгина саодатга эришади.



2166. Талқ ибн Ҳабибдан ривоят қилинади:

«Бир киши Абу Дардо розияллоҳу анхунинг олдига келиб, «Эй Абу Дардо, уйингиз ёниб кетди», деди. Абу Дардо: «Аллоҳ азза ва жалла бундай қилиши мумкин эмас, чунки мен Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир неча калима эшитганман. У зот «**Ким уларни кундузи айтса, кеч киргунича унга бирор мусибат етмайди. Ким уларни кечки пайт айтса, тонг отгунича унга бирор мусибат етмайди**», деганлар. У дуо қуидаги: «Аллоҳумма, анта Роббий, лаа илааха илла анта, ъалайка таваккалту ва анта Роббул ъаршил ъазийм. Маа шаа`аллоҳу каана ва маа лам йаша` – лам якун. Laa ҳавла ва лаа қуввата илла биллаахил ъалиййил ъазийм. Аъламу анналлоҳа ъалаа кулли шай`ин қодийр ва анналлоҳа қод ахаато бикулли шай`ин ъилман.

Аллоҳумма, инний аъуузу бика мин шарри нафсий ва мин шарри қулли дааббатин анта аахизун бинасийатиҳа, инна Роббий ъалаа сиротим мустакийм» (Аллоҳим, Ўзинг Роббимсан. Сендан бошқа илоҳ ийүқ. Ўзингга таваккул қилдим. Сен улуг аршининг Роббисан. Сен хоҳлаган нарса бўлади, хоҳламаганинг бўлмайди. Куч ва қувват фақат улуг ва олий Аллоҳ биландир. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини биламан. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани илми ила ихота қилгандир. Аллоҳим, нафсимнинг ёмонлигидан ва Сен пешонасидан тутадиган ҳар бир жониворнинг ёмонлигидан Ўзингнинг паноҳингни тилайман. Албатта, Сенинг ийүлинг тўғри ийўлдир, Роббим).

Ибн Сунний ривояти.



2167. Ким маъсият қилаётганида Аллоҳдан уялса (ва ундан қайтса), Аллоҳ ҳам банда Унга дуч келган куни уни азоблашдан ҳаё қиласди.



2168. Ахволимизга ҳайронман!

Ухлашдан олдин камида 40 дақиқа телефон ўйнаймиз, аммо уч минут сарфланадиган, ўқиган кишини шафоат қилиб, қабр азобидан сақлайдиган Таборак (Мулк) сурасини ўқишга вақт топмаймиз.

«Үйқудан олдин Мулк сурасини ўқишига тарғиб» *китобидан*



2169. Хотам ал-Асомдан: «Ишингизни қандай асосда йўлга қўйгансиз?» деб сўрашди. У киши: «Тўрт хислат устига қурганман» деб, қуидаги сўзларни айтдилар:

- менга ёзилган ризқни мендан бошқа ея олмаслигини билгач, унинг йўқ бўлишидан қўрқмадим;
- амалимни мендан бошқа киши қилиб олмаслигини билгач, унга машғул бўлдим.
- ўлим тўсатдан келишини билгач, доим ўлим ҳовлисида бўлдим.
- ҳар бир ҳолатда Аллоҳнинг назоратида эканимни билгач, Ундан ҳаё қилдим.



2170. Кунлар мен билан сулҳ тузган деб ўйлаган одам мажнундир. Бутун эътиборини мол тўплашга қаратган одам ғамгиндир. Одамларнинг мақтовига учган одам фитналангандир.



2171. Жума тонгидаги айтиладиган зикрлар

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким жума куни бомдод намозидан олдин: «Астағfirуллоҳалазий лаа илааха илла ҳувал ҳаййул қоййум ва атуубу илайх» (Ҳай ва Қаййум сифатли Зотдан бошқа илоҳ ийүк, Унга истигфор айтаман, Унга тавба қиламан)** деб уч марта айтса, гуноҳлари денгиз кўпигича бўлса ҳам Аллоҳ таоло кечириб юборади».

Ибн Сунний ривояти.

Жума куни қуёш чиққандан бошлаб қуёш ботгунгача ижобат соатига йўлиқиши умидида дуо билан машғул бўлиш мустаҳабдир. Ушбу ижобат вақти хусусида турли фикрлар айтилган. Буларнинг энг тўғриси Абу Мусо Ашъарий розияллоху анхунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қилган куйидаги ривоятидир: «**У вақт жума куни имом минбарга ўтириши билан намоздан салом бергунгача бўлган пайт оралиғидадир**».

Имом Муслим ривояти.



2172. Инкор қилинади деб қўрққанинг учунгина олий ахлоқингдан чекинма! Баъзилар инкор қилса ҳам, кўпчилик сени олқишлиайди, балки сен билан фахрланишади.



2173. Бугунги кун – кўп ишларни «Эртага қиласман» деб ваъда қилган кунингдир.

Иброҳим Фуқий роҳимаҳуллоҳ.



2174. Аёл киши гулга ўхшайди! Унинг маданияти ўша гулнинг муаттар хиди, унинг иффат ва ҳаёси эса ўша гулнинг тиконлари дир. Бу иккиси бўлмаса, у сунъий гулга айланиб колади.



2175. Шеър:

(Эй нафс!) Мени тарк эт, шунда етиб бўлмас юксак мартабаларга эришаман, чунки улуғ мартабага енгил етиш йўли оғир, оғирлик эса енгилликдадир. Олий мартабаларга осонгина эришишни хоҳляяпсанми, у ҳолда асал ёнида асаларининг нинасини тотишинг лозим.

«Унванул байан» китобидан.



2176. Куёш чиқсанда айтиладиган зикрлар

Абу Саъид Худрий розияялоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Куёш чиқса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам шундай дер эдилар: «Алхамду лиллааҳилلазий жаллаланал йавма ъаафијатаху ва жаа'а бишшамси мин матлаъихаа. Аллоҳумма асбахту, ашҳаду лакا бимаа шаҳидта биҳи линафсик, ва шаҳидат биҳи малааикатук, ва ҳамалату ъаршик, ва жамийу холқика аннака анталлоҳу лаа илааҳа илла антал қоиму билқист, лаа илааҳа илла антал ъазизул ҳакийм. Уктуб шаҳаадатий баъда шаҳаадати малааикатика ва уулил ъилм. Аллоҳумма, антас-салааму ва минкас-салаам, ва илайкас-салаам. Ас`алука йаа зал жалаали вал икроми ан таастажийба ланаа даъватанаа ва ан тутийанаа роғбатанаа ва ан түгнийанаа ъамман ағнайтаху ъаннаа мин холқик. Аллоҳумма, аслиҳ лий дийнийалазий ҳува ъисмату амрий, ва аслиҳ лий дуньяайаллатий фийҳаа маъийшатий, ва аслиҳ лий аахиротийаллатий илайҳа мунқолабий».

(Маъно: Бугун бизга буюк оғият берган ва қуёшини ўз чиқадиган томонидан келтирган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳум, тонг оттиридим ва Ўзингга гувоҳлик берган нарсангга, фаришталаринг, аришингни кўтариб турувчилар ва бутун махлуқотлар гувоҳлик берган нарсаларга гувоҳлик бераман. Албатта, Сен Аллоҳсан, Ўзингдан бошқа илоҳ йўқ. Одиллик билан турувчи зотсан. Азиз ва ҳаким сифатли Зотдан бошқа илоҳ йўқ. Фаришталаринг ва илм эгаларининг шаҳодатларидан кейин менинг шаҳодатимни ҳам ёзib қўйгин. Аллоҳум, Сен «Салом» сифатли Зотсан. Салом Сендандир, Салом Сенга қайтажасайдир. Эй улуг ва ҳурматли Зот, Сендан дуоларимизнинг ижобат бўлишини, разғбатларимизнинг ҳосил бўлишини ва махлуқларингнинг беҳожастлари қатори бизларни ҳам беҳожаст қилишингини сўрайман. Аллоҳум, шиларимнинг поклагувчиси бўлган динимни ислоҳ қил,

яшайдиган дунёимни ислоҳ қил ва қайтар жойим бўлган охиратимни ҳам ислоҳ қил)

Ибн Сунний ривоят қилганлар.



2177. Бир ҳаким зотга: «Эй ҳаким зотлар! Нима учун сизлар ўзингизга етган мусибатдан биз маҳзун бўлгандек хафа бўлмайсизлар? Ёки бирор нарсага эришганда биз хурсанд бўлгандек шод бўлмайсизлар?» дейишиди. У зот: «Чунки қачондир барча нарса бизни тарк қиласди ёки биз уни тарк қиласиз. Йўқ бўлиб кетадиган нарсани маҳкам ушлаш учун асос йўқ», деб жавоб берди.



2178. Ҳаётнинг буюклиги йиллар билан эмас, амалга оширилган ишлар билан ўлчанади.



2179. «Отам ундей, отам бундай», деган одам ҳақиқий мард эмас. «Ўзим шу даражага етишдим», деган одам ҳақиқий мардdir.




2180. Шеър: Кимки, майшатнинг энг олийсини истаса, алдовлари кўп дунё учун у доимо ғамгин холдадир. Бахтиёр ҳаёт кечирмоқни хоҳласанг, ҳозирги ҳолатингдан пастроғига рози бўладиган холда бўл.



2181. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:


У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қуёш чиққини кузатишга бир кишини тайинлар эдилар. Ўша одам қуёш чиққанини айтса, «**Алхамду лиллахилلазий ваҳаба ланаа ҳаазал йавма ва ақоланаа фийхи мин асаротинаа**» (бизга бу кунни ато этган ва хатоларимизни афв этган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин) деб айтардилар.

Ибн Сунний ривояти.



2182. Роббим! Гуноҳларим кўпайиб кетса, Сенга ҳеч бир зарар бермас. Тоат-ибодатим кўпайиб кетса ҳам, Сенга ҳеч бир манфаат бермас. Сен бутун оламлардан беҳожатсан.

Роббим! Гунохларим ҳар қанча улкан бўлмасин, Сенинг афвинг ундан ҳам буюқдир. Хатоларим ҳар қанча кўп бўлмасин, Сенинг марҳаматинг ундан ҳам улкандир.



2183. Масжидга ўзинг тик туриб бориб турмасанг, бир куни сени у ерга ётқизиб олиб боришади.



2184. Уч нарса энг азиздир:

1. Етишмовчиликда ҳам сахий бўлиш.
2. Холи қолганда ҳам тақво қилиш.
3. Бирор нарса умид қилинган ёки қўрқиладиган кишининг хузурида ҳам ҳақ гапни айтиш.



2185. Фикру карашлар кўпайса, тўғрилик йўқолур.



2186. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам шом намозини ўқиб бўлсалар, уйларига кириб, икки ракъат намоз ўқир эдилар, сўнгра: «Йаа муқоллибал қулууби вал-абсор, саббит қулуубанаа ъалаа дийник» (Эй қалб ва қўзларни ўзгартирувчи Зот, қалбимизни динингда собит қил) деб дуо қилардилар.

Ибн Сунний ривояти.




2187. Дунёнинг ҳақиқати нима?

Дунё – турфа хил, кўзни қамаштирувчи, ялтироқ, гўзал рангли пулфакчалар бўлиб, сўнгра улар ҳеч нарсага айланади.



2188. Қалам хиёнатидан ёмонрок нарса йўқ!

Масалан, хиёнат ўқи бир шахс ҳаётини барбод қиласди. Хоин қалам эса бутун бир миллатни барбод қиласди!



2189. Бир инсонни синаб кўриб, унинг дўст бўлишга лойик эмаслигини билдинг. Энди унинг душман бўлиб қолишидан эҳтиёт бўл!



2190. Донишмандлардан бири: «Одобсиз ақл қуролсиз ботирга ўхшайди», деган экан.



2191. Аммора ибн Шубайлдан (раҳматуллоҳи алайҳ) ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Ким шом намозидан кейин ўн марта «Лаа илааҳа ایللاللھو وَاحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْحُكْمُ وَلَهُ الْحَمْدُ هُوَ رَبُّ الْعِزَّةِ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَوِيرٌ**» деса, Аллоҳ таоло уни субҳгача кафилликка оладиган қўриқчилар юборади, Аллоҳ унга ўнта яхшилик ёзди, ўнта ёмонликни ўчиради ва унга ўнта мўмин қўл озод қилганинг савобини беради».

И мом Термизий ривояти.




بعض الأشخاص : مثل كتاب رائع وثمين ،
ولكن غالباً عادي وغير جذاب ..

وبعض الأشخاص : غلاف رائع وجذاب ..
وتحتوى فارغ !


لا تجعل الغلاف يخربك عن حقيقة المحتوى

2192. Баъзи инсонлар оддийгина муқовали, кўримсиз, аммо мароқли ва бебаҳо китобга ўхшайди. Баъзи кимсаларнинг эса ғилофи чиройли, ялтироқ бўлгани билан мазмуни қуп-қуруқдир.

Ғилофга маҳлиё бўлиб, алданиб қолма!



2193. Одамларнинг гапидан кўркмайдиган бўлдингми, демак, муваффакият сари биринчи қадамни босибсан!




2194. Солиҳлар айтади:

«Тасаввуфнинг турган-битгани одобдир: ҳар бир вақтнинг одоби бор, ҳар бир ҳолатнинг одоби бор, ҳар бир мақомнинг одоби бор. Ким ана шу вақтларнинг одобини маҳкам тутса, буюклар эришган мақомга эришади. Ким одобларни зое қилса, яқин деб ўйлагани узоқ, мақбул деб ўйлагани мардулдир. Инсоннинг зоҳирдаги одоби яхши бўлса, бу унинг ботиндаги одобининг самараси бўлади».



2195. Илмнинг камоли ундан фойдаланишда, амалнинг камоли эса уни оз деб билишдадир.




2196. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам витр намозидан сўнг салом бергач, «Субҳаанал маликил қуддус» (*Малик ва Қуддус сифатли Зотни поклаб ёд этаман*) дер эдилар.

Абу Довуд ривояти.


Насайй ва Ибн Суннийнинг ривоятларида «Субҳаанал маликил қуддус»ни уч марта айтганлари ривоят қилинган.



2197. Қуръон бизга хаётнинг қадрини ўргатади. Қуръон бўлмаса, дунёнинг ҳеч қандай қадр-қиммати қолмайди, чунки бу дунё охиратдаги абадий ҳаёт учун синов-имтиҳондир. Жаннатга олиб борувчи йўлнинг мухим нуқталарини олмас экансан, унинг қадрини буткул оёқости қиласан. Демак, Қуръонсиз дунё охиратда азобдан бошқа нарса бермайди.



2198. Одамлар наздида қадр-қимматинг ҳар қанча юкориласа ҳам, ўз назарингда ҳақиқий қадр-қимматинг асл ҳолида қолаверади. Одамлар ҳар қанча алдамасин, сен ўзингни алдама!



2199. Тажрибалар китобдан олинмайди, лекин китоблар тажрибалардан фойдаланишда кўмак беради!



2200. Чақимчилик — оловдир, уни қабул қилиш — уятдир. Чақимчиликнинг манбай тақвонинг камлиги ёки тамаънинг кучлилигидир.



2201. Ҳузайфа ва Абу Зарр розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам ўринларига ётсалар, «Бисмикаллоҳумма аҳиа ва амууту» (Аллоҳим, Сенинг исминг ила тириламан ва ўламан) дер эдилар.

Имом Бухорий ва Мұслим ривояти.

Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам Фотима билан Али розияллоху анҳумога: «Түшакка ётсанғиз, ўттис үч мартадан «Субҳааналлоҳ, алҳамду лилаҳ, Аллоҳу әкбар» деб айтинглар», деб тайинлаганлар.

Имом Бухорий ва Мұслим ривояти.

Бошқа ривоятда: «Тасбихни ўттис түрт марта айтинглар», яна биттасида: «Такбирни ўттис түрт марта айтинглар», деганлар.


Али розияллоху анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламдан эшиғанимдан бери уларни айтишни тарқ қилганим йўқ», деган эдилар, «Сиффин кечасида ҳам тарқ қилмадингизми?» деб сўрашди. «Йўқ», дедилар Али розияллоху анҳу.



2202. Одамлар орасида жаҳолат тарқалганини кўргач, мени ҳам жоҳил деб ўйлашсин деб, ўзимни ўқимаган, билимсиз қилиб кўрсатишга ўтдим.



2203. Бир киши Хузайфа розияллоху анхуга: «Мунофиқ бўлиб қолишдан қўрқаман», деди. У зот: «Бир ўзинг, ёлғиз қолганингда ҳам намоз ўқисанми? Гуноҳ қилиб қўйсанг, истиғфор айтасанми?» дедилар. У киши: «Ҳа», деди. Шунда Хузайфа розияллоху анху: «Боравер, Аллоҳ сени мунофиқ қилмабди», дедилар.



2204. Ўзинг ҳақингда кўп гапираверма. Очиқ китоблар кишини ўзига тортмайди...



2205. Инсон учун ўз айбларини унугиб, биродарининг яширин айбларини тилга олиш қандай хунук иш! Оқил одам ўзида айблар бўла туриб ўзгани айбламайди. Ўзидаги айбларни кўриш унга кифоя қиласди.

«Ўнванул байан» китобидан.



2206. Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Киши түшакка ётаётганида кўрпасини ва кийимларини қоқиб ташласин, чунки унинг орасида нима борлигини билмайди. Сўнг: «Бисмика Роббий, вазоъту жамбий, ва бика арфаъуху. Ин амсакта нафсий, фарҳамҳаа. Ва ин арсалтаҳаа, фахфазҳаа бимаа таҳфазу биҳии ъибаадакас солиҳийн» (Роббим, Сенинг исминг ила ётдим (ёнбошимни қўйдим), Сенинг исминг ила тураман. Руҳимни олсанг, унга раҳм қилгин. Агар уни (ҳаётга) қайтарсанг, худди солиҳ бандаларингни сақлаганингдек, уни ҳам ҳифзу ҳимоянгга олгин) деб айтсин».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам түшакларига ётсалар, қўлларига суфлаб, иккита «Қул аъуузу»ни ўқиб, сўнг баданларига сурттар эдилар».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Яна Оиша онамиз розияллоҳу анҳо айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрпаларига кирсалар, икки кафтларини жамлаб туриб, унга «Қул хуваллоҳу аҳад», «Қул аъуузу бироббили фалақ», «Қул аъуузу бироббин-наас»ни ўқиб, қўллари етган жойгача баданларига сурттар эдилар. Аввал бошлари, юзлари ва жуссаларининг олд томонидан бошлаб, буни уч мартадан қиласдилар».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Абу Масъуд Ансорий Бадрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бақара сурасининг охирида икки оят борки, ким уларни кечаси ўқиса, ўша кеча оғатлардан унга кифоя қилади», дедилар.

Имом Бухорий ва Муслим ривояти.



2207. Намозни қазо қилиб, ўз вақтида ўқимайдиганларга насиҳат!

Ўтказиб юборган қазо намозингни ўқиб бўлгач, ортидан икки ракъат нафл намоз ўқиб ол, чунки шайтонни калтак билан эмас, тоат-ибодат билан уриш керак. Шуни доим қилсанг, шайтон икки ракъатдан қўрқиб, намозингга тўғаноқ бўлиб олмайди.



[أَفَلَا يَقْرَءُونَ - أَفَلَا يَذَرُونَ - قَوْمٌ يَعْقِلُونَ .]

ملائكة مثل هذه الآيات في القرآن . فلماذا يريد البعض
أن نتوقف عن التفكير !؟ وإذا تفكرنا غضبوا !!

2208. «Фикр юритмайдиларми?», «Тадаббур қилмайдиларми?», «Ақл юритувчи қавм учун» каби оятлар Қуръонда жуда кўп. Нима учун баъзилар фикрлашдан тўхташни хоҳлашади? Мабодо фикрлагудек бўлсак, газаб қилишади...

ثلاثة ...
 إذا تكلموا أمامك فلا توقف حتى يفهم
 *والبادع
 *والطفل
 *والمهملون
 لأن قلوبهم هي التي تتحدث وتنطق ..

2209. Ҳузурингда уч тоифа инсон гапираётган бўлса, сўзларини бўлиб, тўхтатиб қўйма:

1. Ота-онанг.
2. Ёш бола.
3. Ғамга ботган одам.

Булар гапираётганда уларнинг қалблари сўзлайди.



2210. Оқил одамнинг фикри бошланган нуқта жоҳил одам фикрининг чўккисидир.



2211. Баро ибн Озіб розияллоху анху айтадилар:

«Расулуллоҳ алайҳиссалом менга шундай дедилар: «Тұшагингга келсанг, намозга таҳорат қылғанингдек таҳорат ол, сұнг үнг томонингга ёнбошлаб, «Аллоҳумма, асламту нафсий илайка ва фаввазту амрий илайка ва алжату зохрий илайк, роғбатан ва роҳбатан илайк, лаа малжа`а ва лаа манжа минка иллаа илайк. Ааманту бикитаабикаллазий анзалта ва набийикаллазий арсалта» (Аллоҳим, үзимни Сенга топширдим, ишиимни Сенга топширдим. Неъматиннега разбат қилиб, газабингдан құрқиб, Ўзингга суюндим. Сендан бошқа қочадиганим ҳам, најсөт топадиганим ҳам йүқ. Нозил қылған китобларингга ва юборган пайғамбарларингга иймон келтирдим) деб айт. (Шу холатда) **вафот қылсанг, Ислом фитратида ўласан.** Ётишдан олдин охирги айтадиганинг шу бўлсин».


Имом Бухорий ва Муслим ривояти.



2212. Камбағал ва ночор кишилар билан бирга ўтиришда нафс учун даво бор. Бунда айниқса Аллоҳнинг қазои-қадарига исён қилган нафс учун шифо бор.



2213. Қушча уяга, шер ўрмонга, инсон эса дўстга муҳтождир.



2214. «Профессор», «фан доктори», «бош муҳандис», «катта ўқитувчи» каби бу дунёнинг унвон ва мақомларига эътиборимиз жуда баланд. Аммо «рўзадорлар», «тунни намозда ўтказувчилар», «итоатлилар», «садака берувчилар», «рукуъ қилувчилар» ва «зикр қилувчилар» каби охиратнинг унвонларини қўлга киритиш учун нима тайёргарлик кўрдик?

Фикр юритишга арзидиган савол эмасми бу?



2215. Жоннинг эвази, кунларнинг бадали йўқ.



2216. Ҳафса онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ётмоқчи бўлсалар, ўнг қўлларини чаккаларининг тагига қўйиб, «**Аллоҳумма, қиний ъазаабака йавма табъасу ъибаадак**» (Аллоҳум, бандаларингни қайта тирилтирадиган Кунингдаги азобингдан сақла) деб уч марта айтар эдилар.

Абу Довуд ривояти.



2217. Ростгүйлик шижаатга, шижаат ишончга, ишонч эса илм-маърифатга мухтождир.



2218. Аллоҳнинг неъматларини ҳис қилиб, унга шукrona айтиш пайғамбарларга, Аллоҳнинг солих бандаларига хос хусусиятларданdir.



2219. Балиқ ўлса, сувнинг юзасига чиқиб қолади. Шундай экан, бу дунёning юзасига чиқиб қолган кишилар сени алдаб қўймасин!



2220. Ақли оз одамнинг ҳазили кўп бўлади.



2221. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўшакларига ётсалар, шундай дер эдилар: «Аллоҳумма, Роббас-самавати ва Роббал арзи ва Роббал ъаршил ъазийм! Роббанаа ва Робба кулли шай`ин! Фалиқул ҳабби ван-наваа, муназзилут-Тавроти вал Инжийли вал Қуръан! Аъуузу бика мин шарри кулли зий шаррин анта аахизун бинасийатих. Антал аввалу, фа лайса қоблака шай`ун, ва антал аахиру, фа лайса баъдака шай`ун, ва антаз-зохиру, фа лайса фавқока шай`ун, ва антал батину, фа лайса дуунака шай`ун. Иқзи ъаннад-дайна вағнинаа минал фақр!» (Остмонларнинг Робби, ернинг Робби, улуг аршининг Робби бўлмиш Аллоҳим! Эй бизнинг ва ҳамма

нарсанинг Робби! Эй уруг-данакларни ёрувчи, Таврот, Инжил ва Қуръонни нозил қулувчи Зот! Сен пешонасидан ушлайдиган ҳар бир ёмонлик соҳибининг ёмонлигидан Ўзингдан паноҳ тилайман. Сен Аввалсан, Сендан олдин ҳеч нарса йўқ. Ва Сен Охирсан, Сендан кейин ҳеч нарса йўқ. Сен зоҳирсан, Сенинг устингда ҳеч нарса йўқ. Сен ботинсан, Сенинг пастингда ҳеч нарса йўқ. Қарзларимиздан халос қил, камбагалликдан беҳожсат қил)

Имом Муслим, Термизий, Насаий ва Ибн Можсалар ривояти.



د احمد عیسی المعاصراوي

حقيقة لا يمكن إنكارها .. لا راحة بدون "صلاة" ولا
بركة بدون "بر الوالدين" ولا ان شراح بدون : "قراءة
القرآن"

2222. Шундай ҳақиқатлар борки, уларни инкор қилишнинг имкони йўқ...
Намозсиз роҳат йўқ, ота-онага яхшилиksiz барака йўқ, Қуръон
тиловатисиз қалб шодлиги йўқ.